

---

## "Гузар" МФЙда ичимлик суви муаммоси бартараф этилмоқда

\* Риштон туманининг қишлоқ аҳоли пунктлари меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, биринчи навбатда коммунал масалаларни ҳал этиш мақсадида бир вақтнинг ўзида тумандаги маҳаллаларда ичимлик суви тармоғи тортиш ишлари амалга оширилмоқда.

???? Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ҳудудларда салмоқли ишлар бошлаб юборилди.

🏠 Тумандаги "Гузар" маҳалласида ҳам ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва бу орқали аҳолига қулайлик яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

✳️ Айти дамда ушбу маҳаллада 1 та тик қудуқ қазиб тугалитилиб, сув чиқарилди. Энди иккинчи қудуқ қазиш ва кўчаларда тармоқ тортиш ишлари бошлаб юборилди. Маҳалла аҳолиси яратилаётган шароитлардан мамнун эканликларини таъкидлашмоқда.

2023-02-07 13:38:37